Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 9 (7149). ● 12 январь, 1980 йил. ● ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСДА

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА КАДРЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қабул қилган қарорда таъкидланадики, совет кишиларининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги фидокорона меҳнати натижасида мамлакат экономикаси мутаносил ривожланмоқда, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси изчиллик билан юксалмоқда, ишлаб чиқаришда сифат жиҳатидан ўзгаришлар содир бўлмоқда, ҳар бир кишининг ўз қобилиятини намоён этиши, ташаббускорлик ва ижодкорлик кўрсатиши, профессионал жиҳатдан ўсиши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда.

Ишлаб чиқариш кўламлари ортиб бораётган, хўжалик алоқалари мўраккаблашаётган, фан-техника тараққиёти жадаллашаётган ҳозирги шароитларда иш вақти ҳар бир соатининг, ҳар бир минутининг, ички тартиб қоидаларига қатъий риоя этишнинг, ишлаб чиқариш ҳар бир участкасида қўнимли кадрларга эга бўлишнинг аҳамияти ошмоқда. Бироқ, айрим хўжалик бошқаруви органлари, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари амалда ана шу талабларни ҳисобга олмаяптилар ва ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат шароитларини яхшилашга, юксак ютуқликни, иш маромини таъминлашга етарли эътибор бермаяптилар.

Маҳаллий органлар корхона ва муассасалардаги кишиларни ана шу корхона ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига алоқаси бўлмаган ҳар хил ишларга асоссиз равишда жалб этишлари натижасида меҳнатнинг кўплаб беҳуда сарфланишига, корхоналарнинг нормал иши бузилишига йўл қўйилмоқда. Кўпгина жамоат ташкилотлари иш вақтида йиғилишлар, кенгашлар, семинарлар, слётлар, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорларнинг кўрикларини ва бошқа тадбирларни ўтказмоқдалар.

Партия ташкилотлари ишлаб чиқаришда интизомни мустаҳкамлаш ва тартибни таъминлаш учун хўжалик раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш борасида ҳамиша ҳам самарали чоралар кўраяпти, деб бўлмайди. Ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилишига кўникиб қолган, прогуллаган, иш вақтининг зое кетиши фактларига принципиал партиявий баҳо берилмаётган бирлашмалар ва корхоналар бор. Меҳнат ва давлат интизомининг бузилиши иш натижаларининг ёмонлашувига, меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пасайишига олиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, иш вақти зое кетишини тугатишга, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга, барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтиришга қаратилган ташкилотчилик иши ва сиёсий-тарбиявий ишларни анча яхшилаш партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг, хўжалик раҳбарларининг энг муҳим вазифаси деб ўқисоблайдилар. Бу ишни партия иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришнинг, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашнинг бош йўналишларидан бири деб билмоқ керак.

Партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал этишга комплекс ёндашишлари, жойлардаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганишлари, тегишли тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари шарт. Ишчи ва хизматчиларнинг ҳар хил қишлоқ хўжалик, қурилиш, тайёрлаш ишлари ва бошқа ишларга асоссиз равишда жалб этишларига йўл қўйилмасин. Ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни ўтказиш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнаткашларни маънавий ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш натижасида иш вақтидан жуда яхши фойдаланишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга эришаётган коллективларнинг тажрибаси активлик билан умумлаштирилиб, оммалаштирилсин.

Меҳнаткашлар коллективларининг фаолиятига баҳо бериш, социалистик мусобақа якунларини чиқариш, коммунистик меҳнат коллективи номини бериш ва шу номни таснқлаш чоғида меҳнат интизоми кўрсаткичлари ишдаги асосий кўрсаткичлар билан бир қаторда ҳисобга олиниши лозим.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш прогрессив формаларининг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, министрликлар ва идораларга, бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарларига, партия ва касаба союз ташкилотларига меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив формаларига изчиллик билан ўтиш тадбирларини амалга ошириш; бригадаларнинг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги ишларни яхшилашда уларга мунтазам равишда зарур ёрдам бериб туриш; ишлаб чиқариш бригадалари кенгашларининг ва бригадирлар кенгашларининг ролини ошириш; меҳнатнинг моддий-техника таъминоти ва энергетика таъминотини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нормалашни ташкил этишни такомиллаштириш; шу масалаларни ҳал этишга меҳнаткашлар коллективи ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш топширилди.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, партия ва касаба союз органлари ҳар бир ходимнинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгилаб қўйилишини таъминлашлари, улар ишлаб чиқариш вазифалари ва мансаб вазифаларини сўзсиз ҳамда сифатли бажаришларига эришишлари лозим.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ички тартиб қоидаларига ҳамда меҳнат қонунларига риоя этиш ишда цех, участка ва смена бошлиқларининг, мастерлар ва бригадирларнинг масъулияти оширилсин. Бўлинмалар раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш чоғида улар план топшириқларининг бажарилиши учун қандай жавобгар бўлсалар меҳнат интизомининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш учун ҳам худди шундай жавобгар эканликларига амал қилинсин. Интизомни мустаҳкамлашда, ички тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя этишда меҳнаткашлар коллективларининг роли оширилсин, уларнинг ҳар бир ходимга таъсири кучайтирилсин. Меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан ишчиларнинг йиғилишлари, ишлаб чиқариш бригадаларининг кенгашлари ва бригадирларнинг кенгашлари қабул қилган қарорларни ҳисобга олган ҳолда жамоатчилик таъсири, моддий ва интизомий таъсири ўтказиш чоралари қўлланилсин. Ўртоқлик судларининг ва қонун бузишларнинг олдини олиш кенгашларининг иши яхшилансин, буларда ишлашга кадр йўналтирилсин, меҳнат ветеранлари актив жалб этилсин.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари онгли интизомни тарбиялашга, барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтиришга эътиборни кучайтирсинлар. Ана шу масалаларни йиғилишларда мунтазам суратда кўриб чиқсинлар. Меҳнат интизомини бузувчиларга муросасизлик билан либералларча муносабатда бўлиш фактлари бутунлай йўқотилсин, шу мақсадда меҳнат қонунларида кўзда тутилган барча таъсир чораларидан фойдаланилсин. Коллективга янги қабул қилинган, ишлаб чиқариш нормаси (нормаланган топшириқлар)ни бажармаётган ходимлар билан якка тартибда ишлаш кучайтирилсин. Партия ҳўқуқи, иқтисодий таълим, комсомол сиёсий маорифи тармоғида ҳамда оммавий пропаганда ва

(Давоми 2-бетда).

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

110-

УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИГА КЕНГ ЙЎЛ

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

ИШЛАБ чиқариш тараққиётини тезлаштириш, илғор иш усуллари ва янги технологияни жорий этиш, қўл меҳнати сарфини камайтиришда рационализатор ва ихтирочиларнинг ҳиссаси салмоқли эканлиги барчага маълум. «Узэлектромонтаж» трестининг Чирчиқдаги монтаж бошқармасида коллектив аъзолари бу ерда ҳар уч кишидан бири рационализатор эканлиги билан фахрланади.

Ўтган йили новаторлардан 147 та таклиф тушди. Шундан 140 таси қабул қилиниб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Улардан жами 137 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилади.

Шуниси диққатга сазоворки, рационализаторлик таклифларининг кўпчилиги ўнинчи бешйилликнинг йирик объектларидан бири бўлган капролактам ишлаб чиқариш комплекси қурилишида жорий этилди. Бу объектда ишлаб чиқаришга жорий этилган 65 таклифдан 60,4 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилади.

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг Чирчиқ шаҳри ташкилоти комплекс қурилишини жадаллаштиришга қаратилган энг яхши рационализаторлик таклифларига конкурс эълон қилган эди. Мана шу конкурсда биринчи ўринни Чирчиқ монтаж бошқармасининг бир гуруҳ новатор ишчи ва хизматчилари олишди. Уларга диплом ва пул мукофотлари берилди. Бошқарма бошлиғи М. Давидов, унинг ўринбосари Д. Фурманов, лойиҳа-смета бўлимининг инженери Л. Коган ўртоқларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган рационализаторлик таклифи бир километр кабелни ётқизишда 60 соат вақтни тежайди. Бу таклиф 6750 сўм иқтисодий фойда келтиради.

Участка бошлиғи Э. Вяткин, инженер Л. Коган билан ҳамкорликда 16 та рационализаторлик таклифини ишлаб чиқишди, ундан 14 таси жорий этилди. Бу таклифлар йилига 20 минг сўмлик иқтисодий фойда келтиради.

А. ПОРТНОЙ,
жамоатчи мухбир.

КВАРТАЛ ПЛАНИГА ҚЎШИМЧА

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1980 ИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Завод коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 104 мингта трактор, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган 147 мингта трактор ағдарма прицепи, 15,7 миллион сўмлик запас қисм ишлаб чиқариб, мамлакатнинг пахтакор республикалари қишлоқ меҳнатчиларига етказиб берди. Жами яланг маҳсулот ҳажми 1975 йилга нисбатан 29,7 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 15,8 процент кўтарилди.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва 1979 йил ноябрь Пленумлари, СССР Олий Советининг иккинчи сессияси қарорларини бажариш йўлидаги қарашда куч-ғайратларни кўпайтириб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нуқтларида баён этилган қонда ва хулосаларга амал қилиб, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга, беш йилликнинг тугалловчи йилини зарбдор ленинча ишлаш йилига айлантиришга интилмоқдалар. 1980 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган йиллик планни 29 декабргача бажариш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан пландаги 4,6 процент ўрнига 5,6 процент кўпайтириш кўзда тутилди. Планга қўшимча равишда 500 та трактор тайёрлаш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни 1979 йилга нисбатан 20 процентдан эшёд кўпайтириш, пландан ташқари камида 100 минг сўм фойда олиш белгиланди.

Фан-техника тараққиётини қар томонлама жадаллаштириш, асбоб-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, юксак уюшқоқлик ва интизомни йўлга қўйиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган йиллик топшириқни ортиғи билан бажаришга ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 90 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлашга қарор берилди.

Машиналар конструкциясини такомиллаштириш ва механизацияларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида тракторсозлар кабинаси герметикланган ва бошқарув пульти унификация қилинган «Т28Х4М» тракторини қиёмига етказиш, тайёрлаш ва давлат синовига топширишга аҳд қилдилар. Асосий ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини 81 процентгача кўтариш, 34 та автомат, ярим автомат, агрегат станокларни жорий этиш, 40 та технология ускунасини модернизациялаш, 500 погон метр конвейер линияни жорий этиш белгиланди. Юк ортиш-туширишда транспорт—омбор ишларини механизациялаш даражасини ошириш ҳисобига 300 ишчини бошқа ишлар учун бўшатиб бериш назарда тутилди. Пировард натижаларга биноан ишбай усулда ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш ишчиларининг камида 50 процентини меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлашнинг бригада усулига ўтказилади.

Завод меҳнатчилари меҳнат ва материал ресурсларини иқтисод қилиш ва тежаш режимини кучайтириш учун қатъий билан курашига сўз бердилар. Технология асбоб-ускуналарининг смена коэффициенти 1,85 га, металлдан фойдаланиш коэффициентлари трактор ишлаб чиқаришда 0,7 га, прицеплар ишлаб чиқаришда 0,83 га етказилади, бир йил давомида 120 тонна қора металл, 2,5 миллион киловатт-соат электр энергия ва 6,5 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежаб қолинади. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 730 минг сўм миқдорида иқтисодий самара олинади.

Мажбуриятда тракторсозларнинг турмуши, уларнинг касбкор маҳоратини ошириш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш кўзда тутилган. 1980 йилда 400 тадан ортиқ квартира, иккита ётоқхона ва 660 ўринли 2 та болалар боғчаси қурилади. Санаторийлар, дам олиш уйлари ва пионер лагерларида 2,5 минг завод меҳнатчиси ва уларнинг оила—аъзолари сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлайди, корхона территориясини, уй-жой массивларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уларни намунавий ҳолатга келтириш тадбирлари амалга оширилади. 1300 кишининг малакаси оширилади, 680 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади, ишлаб чиқаришдаги асосий касбларда ишлайдиган 1050 нафар янги ишчи тайёрланади.

Сирдарё областидаги Ильич районининг Г. Титов номли совхозига оталиқ ёрдамини кенгайтириш белгиланди.

Социалистик мажбурият завод цехлари ва бўлимларининг меҳнат коллективлари йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз суттовар фермасининг соғувчилари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида сигирлар маҳсулдорлигини кескин ошириш учун курашаётирлар.

Илғор сут соғувчи Зарифа Далилова бу йил говмушлари маҳсулдорлигини 4500 килограммга етказишга сўз берган.

Е. Ботиров фотоси.

ПЕШҚАДАМ ЛУБКОРЛАР

ДОҲИЙ В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги байрамига ҳар бир ишчи, ҳар бир коллектив муносиб совға билан бориш тадбирларини кўряпти. Ғалаба районидаги пешқадам корхоналардан бири — «Новая жизнь» луб заводи коллективи ҳам доҳий юбилейини муносиб меҳнат тўёнаси билан кутиб олиш учун зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди.

Корхонада ойлик ва квартал топшириқларининг мунтазам ошириб бажарилишида социалистик мусобақанинг кенг авж олдирилганлиги, голибларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш, зарбдор ишчилар ўртасида шахсий меҳнат беллашувини кенгайтириш кабилар салмоқли ўрин эгаллаяпти.

Сараловчилар шахсий мусобақасида Лидия Едоменко голиблар сафидан мустаҳкам ўрин олган. Бу илғор ишчи ўнинчи беш йиллик шахсий планини 3,5 йилда бажариб, айни кунларда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига меҳнат қилаяпти.

Пешқадам лубкорлар доҳий юбилейи шарафига пландагига қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш тадбирларини кўришмоқда.

Я. ТОҒАЕВ.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. Республика меҳнаткашлари, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларнинг муносиб намояндаларини ўз номзодлари қилиб кўрсатмоқдалар.

Тошкент областидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Василий Иванович Рибалко**, Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадири **Турсунмурод Бобоёров**, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри **Субхонқул Орипов**, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Маҳмуд Исматов**, Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Тўхтамурод Исломов**, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министри **Азиз Ҳакимович Ҳамидовлар** бор.

Қорақалпоғистон АССРдан Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министри **Абдуҳамид Қаюмович Қаюмов** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Самарқанд областидаги сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхозлардаги қурилиш билан шуғулланувчи давлат-кооператив бирлашмаси, («Узколхозстрой») раиси **Эргаш Ашуров** номзодини Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатдилар.

Сурхондарё областида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига республика газетаси — «Ленин байроғи»нинг редактори **Абселям Ислямов**, Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министри **Абдулла Ҳакимович Умаров** номзодлари тилга олинди.

Жиззах областидаги сайлов олди йиғилишларининг қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси **Георг Георгинович Исаев**ни, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри **Маҳмуд Ҳасанович Қурбоновни** кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари **Фармон Омонов**, Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси **Пўлат Қаюмов** Қашқадарё областидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида тилга олинди.

Бухоро областида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига республика газетаси «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда»нинг редактори **Исмоил Сулаймонов** номзоди кўрсатилди.

Ўзбекистон рассомлар союзи правлениесининг Раиси **Раҳим Аҳмедов** Наманган областидан республика Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

* * *

Халқ депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг мартен цехи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 62-Ленинград сайлов округидан Тошкент область партия комитетининг саноат-транспорт бўлими мудири **Дмитрий Дмитриевич Усачева**ни Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози коллективи 199-Коммунизм сайлов округидан шу совхоз директори **Сандиқром Зокировни** Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг марказий ремонт механика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 10-Ўзбекистон сайлов округидан комбинат кранчиси **Галина Михайловна Трусованни** Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Пискент районидаги Гулистон колхози меҳнаткашларининг йиғилишида 307-Гулистон сайлов округидан шу колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи **Абдуғани Назарқулов** Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Ангрен тикувчилик фабрикасининг ишчиси **Галина Степановна Патрушева** фабрика коллективининг йиғилишида 43-Братск сайлов округидан Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Бекобод районидаги Навоий номли колхоз меҳнаткашларининг сайлов олди йиғилишида шу колхоз раиси **Абдуваҳоб Султонов** 145-Бекобод сайлов округидан Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Коммунистик районидаги Жумабозор луб заводининг коллективи 251-Луб завод сайлов округидан завод ишчиси **Надежда Николаевна Спинзуратни** Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкент шу йил май ойининг сўнгги ўн кунида ўтадиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VI халқаро кинофестивалининг қатнашчилари билан меҳмонларнинг самимий сидқидилдан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Ўзбекистоннинг энг яхши заллари уларнинг ихтиёрига бериб қўйилади, кинематографиячиларнинг авваллги анжуманлари тўғрисида ҳикоя қилувчи маҳсус китоблар чиқарилади, кўпдан-кўп совғабоп маҳсулотлар фестиваль эмблемаси билан безатилади. Жаҳон киносининг кўпгина усталари Тошкентдаги анъанавий кино байрамига гулт қизиқиб қарамоқдалар. Кинофестиваль —80 да қатнашиш тўғрисидаги таклифномалар дунёдаги юздан ортиқ мамлакатларга, бир қанча халқаро ташкилотларга юборилди.

11 январь куни VI халқаро кинофестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисда ташкилот комитетининг Раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева раислик қилди. Фестиваль бош дирекциясининг составини тасдиқланди, кинематографиячиларнинг халқаро учрашувига қандай тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида республика министрликлари ва идоралари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

(ЎзТАГ).

МАШИНАСОЗЛАР БУЮРТМАСИ БИЛАН

ЧИРЧИҚДАГИ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз пахтачилиги учун жуда зарур бўлган осма культиваторлар, кўрак терадиган агрегатлар ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Бунинг учун аввало корхона қуюв хўжалигини қайта бунёд этиш лозим. Чунки, эски асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу хўжалик кейинчалик талабга жавоб бермай қолади. Қуюв цехини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тайёрлаш «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари зиммасига юкланган.

Бирлашма коллективи бу муҳим вазифани тез ва соз бажариш учун жиддий изланиш олиб борди. Пўлат қуюв цехини янгилашни техник асослаш бўйича ҳужжатлар қисқа муддатларда ишлаб чиқилди. Бунда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари ҳисобга олинди. Цехни реконструкция қилиш бўйича берилган тавсиялар бу хўжаликда барча сермеҳнат жараёнларни тўла механизациялаш ва автоматлаштириш имконини беради. Қуюв цехининг ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ортади ва у ҳар йили ўнларча минг тонна сифатли пўлат қуйилмаси тайёрлайдиган бўлади. Қуювчилар меҳнат шароити ҳам анча яхшиланади. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади.

Бирлашма мутахассислари томонидан цехни реконструкция қилиш планининг амалга оширилиши бу ерда меҳнат қилувчилар сонини анча камайтириш имконини ҳам беради. Цехда қоличи, моделчи ва қуювчиларнинг сони 40 кишига камаяди. Техник янгиликлари жорий қилиш туфайли ҳар йили қами билан 300 минг сўмлик иқтисодий самара олиш мумкин бўлади. Энг муҳими қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун «Чирчиксельмаш» маркаси билан сифатли, чидамли техника воситалари етказиб бериш сезиларли даражада ортади.

Б. АКСАНИЧ,
«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта инженери.

МОНТАЖЧИЛАР ҒАЙРАТИ

ОҲАНГАРОН шаҳар қурилиш бошқармаси биноқорлари бу йил «Ленинчасига яшаймиз ва меҳнат қиламиз!» шиорини дилга мустаҳкам жо қилиб қурилиш объектларида жавлон уришяпти. Улар шаҳар қиёфасини гўзаллаштириш, унинг бағрида янги-янги ишлаб чиқариш корпуслари, маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар қурилишига салмоқли ҳисса қўшишяпти. Бунда бошқарманинг Л. Пак бошчилигидаги участкаси бунёдкорларининг ҳам улуши катта.

Улар ўтган йили шаҳарда қатор объектларни ишга туширдилар. 280 ўринли янги болалар боғчаси шаҳар меҳнаткашларининг жажжи ўғил-қизларини ўз бағрига олди. Пирик магазин ишга туширилди, юзларча квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Участкада 40 киши меҳнат қилаяпти. Улар ҳозирги вақтда 88 квартирали тўрт қаватли уй-жой биносини тезкорлик билан барпо этишяпти. Объектда район партия комитетининг аъзоси Евгений Дьяченко бошчилигидаги монтажчилар бригадаси унумли ишлаяпти. Улар топшириқларни ҳар куни зиёдаси билан адо этмоқдалар. Бригаданинг Н. Муравьев, А. Плотников, К. Перцева каби аъзолари норматни 130 процент ва ундан ошириб бажаришяпти.

А. МАҲКАМОВ.

ЭЛ СЕВГАН ОРКЕСТР

Бундан 40 йил муқаддам Ўзбекистон Давлат филармонияси ҳузурида Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри тузилган эди. Ўзбек миллий музика маданияти хазинасини аҳоли ўртасида кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилган бу ижодий коллектив ҳозир машҳур бастакор Т. Жалилов номи билан аталади.

Оркестр ўтган давр ичида бутун мамлакатимизни айланиб чиқди. Унинг репертуарини бойитишда М. Ашрафий, Т. Жалилов, Т. Содиқов, С. Юдаков каби бастакорларнинг ижодий ҳиссалари катта бўлди.

Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси оркестр репертуарини алоҳида пластинкаларда оммалаштирди.

Тошкент шаҳридаги Киров районига қарашли Киров сайлов округининг 23-сайлов участкасида бўлажак сайловларга тайёргарлик қизғин бормоқда. Суратда: агитатор Қосимбек Ниғматуллаев сайловчилар билан суҳбат ўтказаётган пайт.
С. Икромов фотоси.

САРАЛОВЧИ ОПА

ЛОЛА Бакирова ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати билан корхона коллективи орасида ҳурмат-эътибор қозонган. У Гул луб заводида 32 йилдан буён фидокорона меҳнат қилиб келяпти.

Ўтган йиллар мобайнида Лола опа заводдаги барча участкаларда меҳнат қилди, барча касбларни ўзлаштириб олди. Шунинг учун ҳам ҳозирга келиб унинг олдига тушадиган мураббий йўқ. Ветеран ишчи ҳамон зиммасидаги топшириқларини ошириб бажариш билан бирга кўплаб ёшларга касб ўргатмоқда, уларни мустақил ҳаёт йўлига солмоқда.

Заводнинг саралаш цехи илгорлар ҳақида гап кетганида Лола Бакированинг номи биринчилар қатори тилга олинади. Ўз касбининг усталари ҳақида гап кетганида ҳам, мураббийлар ҳақида сўз бўлганида ҳам Лола опанинг номини эҳтиёт билан тилга олишади. У мана шу ҳурмат-эътиборга фидокорона меҳнати, одамларга ва ҳамкасбларига ҳушмуомаласи билан эришган.

Я. ТОҒАЕВ.
Ғалаба райони.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ЭНГ МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ТОПШИРИҚ

МАЪЛУМКИ, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида сиёсий ва иқтисодий таълимнинг самарадорлигини ошириш лозимлигига алоҳида эътибор берилган. Қарорда кўрсатилишича, сиёсий таълимнинг вазифаси партия назарияси ва сиёсатининг энг муҳим масалаларини кенг меҳнаткаш оммага янада чуқур ва ҳар тарафлама тушунишига эришишдан иборатдир.

Мазкур қарорда ана шу муҳим вазифани бажариш борасида партия комитетлари, пропагандистлар зиммасига катта вазифалар юклатилган. Сиёсий ва иқтисодий таълимни ривожлантириш, пропагандистлик фаолиятини кучайтириш энг муҳим партиявий топшириқ эканлиги таъкидланган.

Тошкент район партия комитети ҳам кейинги вақтда коммунистлар ва партиясизларнинг марксча-ленинча таълимини ривожлантириш борасида бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширди. Шунинг натижасида сиёсий ва иқтисодий маориф машғулотларига аввалги йиллардагидан анча кўп тингловчи жалб қилинди. Айтайлик, ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида тингловчилар сони 2,5 минг кишига етган бўлса, ўтган ўқув йилида 5 мингдан ошиб кетди. Бу йил эса улар сони яна ҳам кўпайди.

Районда янги ўқув йили машғулотлари анча уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Бу ишга пухта тайёргарлик кўрилганлиги ҳозирдаёқ ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, Ильич, Навоий, Собир Раҳимов номли, «Ленин йўли» колхозларида, 7-гишт заводи бошқармасида, Абдурахмонов номли совхозда, Шредер номли саноат-ишлаб чиқариш бирлашмасида, район территориясида жойлашган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда бир қатор мактабларда пропагандистлар состави олдиндан тасдиқланиб, уларнинг тайёргарлиги текширувдан ўтказилди. Сиёсий ва иқтисодий таълим мактаблари ва семинарларининг тингловчилари аввалдан белгилаб қўйилди. Натижада В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига тайёргарлик муносабати билан «Ленинизм — давримизнинг революцион байроғи» мавзуидаги дастлабки мавзу пухта ўрганилди.

Район партия бошлангич ташкилотлари пропагандистлар тайёрлаш, энг яхши пропагандистларнинг тажрибасини ёйиш соҳасида ҳам изланмоқдалар. «Районда Ҳарис Сулаймонов, Ўлдош Қодибоев, Ҳакима Муҳиддинова, Турсун Партиев, Галина Симаненко, Александр Степахин каби пропагандистларнинг иш тажрибаси ўрганишга арзигуликдир. Улар ҳар бир машғулотнинг юқори назарий ва методик савияда бўлишига ҳаракат қиладилар, кўргазмали ўқув қуроллари ва техникавий воситалардан луруст фойдаланадилар. Пропагандистлар ишининг муваффақиятини таъминлаётган омиллардан яна бири шундаки, улар ўз шахсий ижодий планлари асосида иш олиб борадилар, «Пропагандист — беш йиллиққа» ҳаракатида фаол қатнашадилар.

Район партия комитети пропагандистлар билан ишлашга алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги вақтда пропагандистнинг обрўси, ўзига топширилган иш учун масъулиятини назарий тайёргарлиги ва методик маҳоратини ошириш масалалари билан кенг шуғулланилмоқда. Пропагандистлардан 357 киши жамоат аттестациясидан ўтказилди, улар учун махсус семинарлар ташкил этилди.

Иқтисодий таълим системасини ривожлантиришга ҳам муҳим аҳамият берилмоқда. Кейинги тўрт йил мобайнида районда 1100 дан ортиқ киши иқтисодий тайёргарликдан ўтди. Таълимнинг бу системасида назарий мавзуларга бағишланган машғулотлар тингловчиларнинг касби ва жамоатчилик иши талаблари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилиши ўқувнинг таъсирчанлигини анча оширди, унинг кундалик хўжалик ишлари билан мустаҳкам алоқада бўлишни таъминлади.

Шунисе қувончлики, район меҳнаткашларининг беш йиллик план топшириқларини бажариш борасидаги муваффақиятларида сиёсий ва иқтисодий таълимнинг ҳам муҳим ўрни борлиги тасдиқланмоқда. Масалан, Навоий номли колхознинг пропагандист Йўлдош Нодибоев раҳбарлигида ўз сиёсий билимларини ошираётган тингловчилар, аксарият колхозчилар, беш йиллик планни муддатидан анча илгари бажаришга муваффақ бўлдилар. Собир Раҳимов номли колхознинг бригада бошлиқлари, марксизм-ленинизм асослари мактабини битирувчилари Г. Тиллаев ва А. Саидалиев бошқарган коллективлар сабзавот етиштириш планларини анча ортиғи билан бажардилар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари эътиборида КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорида сиёсий маориф ташкилотчилари ва пропагандистлари олдига қўйилган қозғ муҳим вазифаларни амалга ошириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Т. ИСЛОМБОЕВА,
Район радио эшиттириш редактори.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА КАДРЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

агитациянинг бошқа формаларида социалистик меҳнат интизомининг аҳамияти чуқур кўрсатиб берилсин, коллектив аъзолари ўз касби, корхонаси учун фахрланиш руҳида, уюшқоқсизлик, интизомсизлик, хўжасизликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик руҳида тарбиялансин. Илғорларнинг, меҳнат қаҳрамонлари ва ветеранларининг ишдаги ютуқлари ва тажрибасини пропаганда қилиш юқори даражага кўтарилсин.

Халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетларига умумий таълим мактабларини битириб чиққан ёшларни ишга жойлаштириш ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш устидан, мактабнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, мактаб ўқувчиларининг меҳнат таълими, тарбияси ва касб танлашини яхшилаш соҳасидаги тадбирлар қандай амалга оширилаётганлиги устидан контроллик қилишни кучайтириш топширилди. Аҳолини ишга жойлаштириш бюроларни тармоғини янада ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ва ишга қабул қилиш тўғрисида аҳоли маҳаллий меҳнат органларининг ёрдамида хабардор қилинаётган шаҳарларнинг тажрибаси кенг қўлланилсин.

Партия, совет, касаба союз органларига, министрликлар ва идораларга, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга Москва, Ленинград шаҳарлари, Латвия ССР, Запорожье, Куйбишев ва Челябинск областларининг тажрибасига мувофиқ ички ресурслардан кенг қўлланиб қўл меҳнатидан фойдаланишни қайтариш ва меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш таклиф этилди. Хусусан ишлаб чиқаришга биринчи марта келган ёш ходимларга эътиборни кучайтириш, уларнинг профессионал маҳоратини ўстиришга ва коллективга ишларига жалб этишга ёрдамлашиш кўзда тутилган. СССР 50 йиллиги номли Волжск автомобиль заводи ва бошқа илғор корхоналарнинг тажрибасига мувофиқ касби ва малакасига кўра кўтариш системаси жорий этилсин. Ёшлар билан ишловчи комиссиялар тузилсин, мураббийларнинг ҳаракати ривожлантирилсин, уларнинг обрў-эътибори оширилсин; педагогика билимларининг асослари ўқитилсин. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг президиумларига «Ёшларнинг хизмат кўрсатган мураббийси» фахрий унвонини белгилаш тавсия этилди.

Совет ва хўжалик органларига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ҳаётидаги объектларнинг комплекс қурилишини таъминлаш, корхоналарнинг уй-жой фондини мумкин қадар шу корхоналар ақинида вужудга келтириш, ётоқхоналарни ободонлаштириш ва реконструкциялашни яхшилаш чоралариии кўриш топширилди. Ётоқхоналар асосан меҳмонхона типида, шу жумладан ёш оилалар учун қурилсин. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари ўзларида уй-жой қурилиши кооперативларини ташкил этиш кўзда тутилсин. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга ходимлар учун белгиланган тартибда банк кредитини жалб этган ҳолда якка тартибда уй-жой биноларини қуришга рухсат берилди. Шундай уй-жойларни қуришда ишчи ва хизматчиларнинг бевосита иштирок этишини амалда қўлланиш тавсия қилинди.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига касаба союз комитети билан келишиб ҳамда меҳнаткашлар коллективларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда рағбатлантирувчи фондларнинг маблағларини бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларда камида беш йил ишлаган ходимларига, келин-куёвлар эса камида икки йил ишлаган бўлса, уларга кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун текин моддий ёрдам кўрсатишга ҳамда банк кредитини қисман тўлашга сарфлаш ҳуқуқи берилди. Ходимлар узрли сабабларсиз ўз хоҳишларига биноан ишдан бўшаганларида ёки меҳнат интизомини бузганликлари учун рағбатлантирувчи фондларнинг текин ёрдам бериш ёки банк кредитини тўлашга сарфланган маблағлари беш йил муддат ичида бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга қайтариб берилиши керак.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ иш режимларини тартибга солиш, уларнинг меҳнаткашлар учун энг қулай бўлган иш вақтини белгилаш, шу мақсадда иш кунини тақсимлаш графикларидан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

Қарорда 15 иш куни давомидаги йиллик отпускадан фойдаланадиган ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларида, геология-разведка ташкилотларида ва гидрометеорология хизмати ташкилотида банд бўлган ишчи ҳамда хизматчилар учун узлуксиз иш стажига қўшимча отпуска берилмайдиган ходимларнинг категорияларига ўн биринчи беш йиллиқда қўйидаги қўшимча отпуска берилди: дастлабки уч йилги иши учун — бир кун, шундан кейинги ҳар икки йил учун бир кундан, лекин уч кундан ошмаслиги керак. Мазкур отпускани бериш учун стаж 1980 йил 1 январдан бошлаб ҳисоблансин. Узрсиз сабабларга кўра прогул қилган (шу жумладан ишга маст бўлиб келган) ишчи ва хизматчиларга ўша йили узлуксиз иш стажи учун қўшимча отпуска батамом ёки қисман берилмаслиги мумкин.

Шу нарса белгиландики, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўланмайдиган отпуска фақат корхона, ташкилот, муассаса раҳбарининг ёки ишлаб чиқариш бирлиги раҳбарининг рухсати билан берилади ва тегишли буйруқ (фармойиш) билан расмийлаштирилади.

Ишчи ва хизматчилар узлуксиз иш стажининг камида 25 йили, болали аёллар узлуксиз иш стажининг эса камида 20 йили бир корхона, муассаса, ташкилотдаги ишга тўғри келса, агар улар бир вақтнинг ўзида умумий иш стажи учун пенсияга устама ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлсалар, ўн биринчи беш йилликда қарилик пенсияларига устама ҳақ миқдорини 10 процентдан 20 процентгача оширишга қарор қилинди. Ана шундай шартларда пенсиянинг 10 проценти атрофидаги устама ҳақ пенсиянинг кўзда тутилган энг кўп миқдорига қўшимча равишда ҳисоблаб тўланади.

Шуни белгилаш мақсадга мувофиқ деб топилдики, ишчи ва хизматчилар ноаниқ муддатга тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳақда маъмуриятни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиришлари керак. Календарь йил мобайнида узрсиз сабаблар билан ўз хоҳишига кўра ишдан такрорий бўшаганда узлуксиз меҳнат стажи сақланмайди. Мазкур масалалар юзасидан СССР Олий Совети Президиумининг тегишли фармонлари қабул қилинган.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетларига ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаётган шахслар билан ишлашни яхшилашга доир конкрет тадбирларни кўриш таклиф этилди. Хўжалик ва совет органлари олдига бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар кадрлар бўлими (бюроси) ишини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ва ВЦСПСга министрликлар ва идораларнинг, СССР Фанлар академияси ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг иштироки билан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш соҳасида ўтказилаётган социал, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирлар самарадорлигини мунтазам суратда ўрганиш ва анализ қилиш топширилди.

Тегишли министрликлар, идоралар, шунингдек газета, журналларнинг редакциялари, нашриётлар, ижодий жамоат ташкилотлари меҳнат интизомининг иқтисодий, маънавий ва ижтимоий аҳамиятини ёрқин ва ишонтирарли кўрсатиб беришлари, фаолияти юксак онгли интизом билан ажралиб турган меҳнаткашлар коллективларининг тажрибасини кенг оммалаштиришлари зарур. Уюшқоқсизлик ва интизомсизликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик муносабати вужудга келтирилсин. Меҳнат қаҳрамонлари ва ветеранларини, меҳнаткашларнинг сулолаларини, социалистик ишлаб чиқариш илғорларини ёрқин тасвирловчи санъат ва адабиётнинг бадиий юксак асарларини, кинофильмларни яратишга эътибор кучайтирилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари актив ва ижчил ташкилотчилик иши ҳамда оммавий-сиёсий ишлари билан халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат интизоми янада мустаҳкамланишини, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланишни таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар. Ана шу вазифаларнинг ҳал этилиши социалистик экономикани муваффақиятли ривожлантиришга, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтиришга ёрдам беради ҳамда бу барча меҳнаткашларнинг, ҳар бир меҳнат коллективининг иши бўлиб қолмоғи лозим.

ДЕПУТАТЛАР ҒАМХЎРЛИГИДА

Бу фабриканинг тарихи ҳам бошқа кўплаб корхоналарга ўхшаб кетади. Бир неча ўн йил илгари деярли механизациялашмаган, кўримсиз бинодаги тикувчилик артели базасида ташкил топган эди. Кейинроқ жадал тараққиёт йўлига чиқиб олиб, ҳозирда бир неча хил маҳсулотлари давлат Сифат белгисига сазовор бўлган... Лекин, ана шу умумийлик, ўхшашликда ҳам фабриканинг ўзига хос йўлини кузатиш мумкин.

Дастлаб фабрика шим, кўйлак сингари бир неча хил оддий кийим-кечаклар ишлаб чиқарар, давлат планлари гоҳ бажарилиб, гоҳ бажарилмас эди. 1970 йилда 1 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот топширар, бунинг сабаби мутахассисларнинг камлиги, корхона биносининг эскилиги, замонавий асбоб-ускуналарнинг камлиги билан изоҳланар эди. Маҳаллий хотин-қизлардан фабрикага кам жалб этиларди.

Ўша йилнинг охирларида фабриканинг кўп қаватли муҳташам янги биноси фойдаланишга топширилди. У кўплаб янги турдаги ва чет эл тикув машиналари, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шаҳар ақинидаги «Коммунизм», Куйбишев номли колхозлардан, «Қорасув» ва ақин-атрофдаги бошқа қишлоқлардан ўрта мактаб битирувчи қизлари таклиф этилди. Ишчи касбининг фахрли эканлиги ҳақида суҳбат ва ветеранлар билан учрашувлар ташкил этилди. Аёллар Совети ва кўпгина тўгараклар фаолият кўрсата бошлади. Дуторчи қизлар ансамбли ташкил этилди. 80 ўринли ошхона фойдаланишга топширилди.

Фабрика директори Энгельс Жумақулов ўн йилдан буён шу коллективда. Ишчи-хизматчиларнинг юриш-туриши, аҳвол-руҳиятидан ҳамиша хабардор. Бир неча чақириқдан буён шаҳар Советига депутат қилиб сайланади. Халқ вакили сифатида Разнопром участкасини ободонлаштириш, газлаштириш ва водопроводлаштиришга бошчилик қилган. Бир куни депутатлар группасида ўртага яхши бир таклиф тушиб қолди.

— Фабриканинг эски ўрнида ишчи-хизматчилар фарзандлари учун боғча қурилса қандай бўларкин?

Бу Энгельс аканинг юрагидаги гап эди. Шаҳар Совети ижроия комитетида бу фикр маъқулланиб, керакли лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

— Пудратчи ташкилотлар ўз йўлига, бироқ қурилишнинг асосий раҳбари сиз бўласиз, — дейишди ижроия комитетдагилар. Вазифанинг масъуллиятига қарамай Энгельс ака розилик билдирди. Сабаби боғча қуриб ишга туширилса, фабрика маънавий ҳаётида қанчалик муҳим роль ўйнашини дил-дилдан ҳис қиларди. 90 фоизи хотин-қизлардан иборат коллективнинг биринчи ташвиши — болалар. Агар шу томондан хотиржамлик таъминланса борми, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида, гапириб ўтириш ортиқча. Шу фикрлар директорнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Елиб-югуриб тегишли ташкилотлар билан учрашди, баҳслашди, илтимос қилди, ҳуллас, иморат битмагунча тинчимади. Халқаро болалар йилига корхонанинг 80 ўринли шинам боғчаси фойдаланишга топширилди. Ёшларга қўраб группаларга ажратилган жажжилар учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Турли ўйинчоқлар, расм, китоблардан тортиб, музика асбобларигача сотиб олинди. Малакали мураббия опалари улар атрофида парвона.

Фабриканинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Тошкентдаги 127-махсус ҳунар-техника билим юрти ва Пискент тикувчилар тайёрлаш техникумлари билан ақиндан алоқа ўрнатилди. Мураббийлик ҳаракати ва ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилмоқда. Бунда маҳсулот миқдори ва сифатигина эмас, балки шогирдлар камолоти ҳам асосий шартлардан саналади. Ҳозирги кунда 40 нафар қиз Елизавета Ким, Ольга Прохорова, Лазокат Болтабоева сингари тажрибали тикувчи ва бичиқчилар ғамхўрлигида ўз касб, маҳоратларини оширмоқдалар.

Тикувчилик ишлаб чиқаришидаги илғор тажрибалар бу ерда ҳам кенг қўлланиляпти. Тўрт кишилик фабрика конструкторлик бўлими янги технологияни ўрганиш ва жорий этиш билан шуғулланади. Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари қизғин кўлаб-қувватланади. Жумладан, ишчи-хизматчилар ташаббуси билан тайёр маҳсулотлар ва хом ашёнинг алоҳида сақланишига эришилгани, қаватлар ўртасига юк ташувчи экскаватор ўрнатилганлиги катта иқтисодий фойда берди. Кўпгина жараёнлар кейинги пайтда механизациялаштирилди. Японияда чиқарилган тикув машиналари, жипсловчи қурилмаларнинг иш тажрибаси ўрганилмоқда. Ёш

ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛИШИДА

ТОШКЕНТ районидаги колхозлараро 54-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ўтган йили катта миқёсда бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Зиммадаги план ва мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди.

Колхоз қурувчилари ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилини ҳам зардор ғурурат билан бошлашди. Улар айни кунларда райондаги Навоий номли колхоз марказида типовой янги мактаб биносини бунёд этишяпти. 644 ўринли бу улкан объектда 60 га яқин қурувчи ишлаяпти.

— Янги мактабни 1980 йилнинг биринчи кварталида фойдаланишга топширишни мўлжалдаялмиз, — дейди прораб Содиқ Каласбоев. — Бу бинода 515 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзланган. Айни кунларда Турсунбой Ҳасанов, Эркин Йўлчиев, Абдураҳмон Набиев, Эргаш Жўраев каби илғор қурувчилар айниқса жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Т. ДУСОВ.

МАВСУМГА ТАХТ

ОҚҚУРҒОН районидаги «Партия XXII съезди» колхозида механизаторлари қишлоқ хўжалик техникасини экиш мавсумига етарли шай қилиб қўйдилар. Ҳозиргача колхоздаги 9 та ҳайдов, 16 та чопиқ трактори, 16 та чигит экиш сеялкаси, 86 комплект борона, 2 та дискали борона, 2 та ер текисловчи машина, дон экиш сеялкаси, 18 та культиватор, 16 та ПГС каби қишлоқ хўжалик техникаларни сифатли ремонтдан чиқарилди.

Қишлоқ хўжалик техникасини барвақт ремонтдан чиқаришда механизаторлардан Тўлқин Бекпўлатов, Анвар Турсунбоев, Ғуломқодир Ҳамроев, Акбар Тўрахонов, Ускан Ўринбоев, Пардали Курбоналиевлар фидокорона меҳнат қилдилар.

О. ТУРАҚУЛОВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг яйловларида совлиқлар эрта қўзилай бошлади. Хўжаликнинг илғор чўпонлари бу йил ҳар юз совлиқдан 125 тадан қўзи олиш ва қўйлар сонини 5 мингтага етказишга қарор қилганлар. Суратларда: илғор чўпон Ҳидир Усаров ва унинг қизи Норбуви. Комсомол қиз қўзилатиш кампанияси даврида отасига ёрдам бермоқда; хўжалик яйловларида.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

МУНОСИБ ҲИССА

«ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи зиммасига юклатилган барча вазифаларни муваффақиятли бажармоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпайиб бормоқда, ишнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланяпти. Биргина ўтган йили корхона коллективи қўлидан чиққан маҳсулотнинг 39 процента Сифат белгиси билан савдо шохобчаларига етказиб берилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини камайтириш, ишчи-хизматчилар ўртасида новаторлик ҳаракатини авж олдириш ютуқлар омили бўлмоқда.

Коллектив меҳнат натижаларининг баракали ўсишида рационализатор ва ихтирочиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар ўзларининг ижодий изланишлари билан техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат шароитини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, кийимкечаклар сифатининг яхшиланишига ёрдам бермоқдалар. Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ўнлаб қимматли таклиф ва ихтиролар ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бунинг самараси анча салмоқли бўлди. Дастлабки ҳисобларга қараганда новаторлар жорий қилган шу янгиликлар натижасида ҳар йили 99 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш мумкин бўлади.

Бирлашма меҳнатсеварлари ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам юксак марраларни кўзлашяпти. Улар йил давомида ўтган йилдагидан ҳам кўпроқ давлат маблағини тежаб қолиш имконини берадиган таклифларни амалга оширишмоқчи.

— Корхонамиз коллективи новаторларимизнинг изланишидан жуда мамнун бўлмоқда, — дейди бирлашма бош инженери М. С. Богдановская. — Улар қатор оғир иш жараёнларини енгиллаштиришга эришдилар. Шунинг учун корхона маъмурияти рационализатор ва ихтирочиларнинг ижодкорлигини кучайтириш юзасидан зарур бўлган барча тадбирларни амалга оширмоқда.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

БАБРАК КАРМАЛНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

КОБУЛ, 10 январь. (ТАСС). Афғонистон халқ партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал бу ерда афғон ва ажнабий журналистлар учун ташкил этилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб оиндай деди: Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати принципиал ва ғоят тинчликсевар сиёсатдир. СССР бошқа давлатларнинг ишига ҳеч қачон аралашган эмас ва аралашмаяпти, у ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, адолат, қонуний ҳуқуқлар учун, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун курашаётган мамлакатларга ва халқларга ҳамиша амалий ёрдам ва мадад бериб келмоқда.

Совет Иттифоқи, деб сўзини давом эттирди у, бизнинг ишончли ва самимий дўстимиздир. У Апрель революцияси ғалабаларини қатъият билан қўллаб-қувватламоқда. СССР АДР раҳбарларининг илтимосини қондириб, дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги афғон-совет шартномаси асосида ва БМТ уставнининг 51-моддасига мувофиқ ҳаракат қилиб, Афғонистон халқига дўст эканлигини яққол исботлади, бизга ёрдам ва мадад берди.

Афғонистон Апрель революциясидан кейин, АҚШ бизнинг Хитой ташқаридан уюштирилган аксилинқилобий хуружларга тобора қаттиқ дуч келгандан сўнг АДР раҳбарлари ёрдам беришни сўраб, бир неча марта Совет ҳукуматига мурожаат қилдилар. Совет Иттифоқи мамлакатимизнинг миллий мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигига нисбатан агрессив ҳаракатлар натижасида бевосита хавф туғилмагунча бундай ёрдам беришдан ўзини тийиб турди. Совет Иттифоқи шундай бевосита хавф вужудга келгандан кейин ҳукуматимизнинг илтимосига мувофиқ АДРга Афғонистонни ташқи агрессиядан ҳимоя қилиш учун чекланган миқдорда совет қўшинларини юборди. Пекин билан, Покистон ва Миснинг реакцион доиралари билан биргаликда ҳаракат қилаётган АҚШ Афғонистон Демократик Республикасига нисбатан ўзининг агрессив сиёсатига чек қўйиши билан, бу қўшинлар мамлакат территориясидан олиб чиқиб кетилади.

Афғонистон ўз мустақиллиги, миллий суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя этиш мақсадида СССР ёрдамидан фойдаланган, бизнинг мамлакатимиз ўзи эълон қилган блокларга қўшилмаслик сиёсатини изчиллик билан ўтказиш имкониятига эга бўлди, деб таъкидлади Бабрак Кармал.

АДРнинг қўшни давлатлар билан муносабатларига тўхталиб у бундай деди: «Биз Покистон ва Эрон халқлари билан дўстона муносабатда бўлишга интилдик. Мен шу мамлакатлар билан муносабатларимизнинг истиқболига умидворлик билан қарайман. Мен аминманки, Покистон ва Эрон халқлари билан ҳамкорлик қилиб, биз Америка империализми ва Пекиннинг кирдикорларига яқин орада чек қўя оламиз». Афғонистон халқи, деди сўзини давом эттириб Бабрак Кармал, империализмга ва сионизмга қарши курашда озодлик ҳаракатлари, араб давлатлари билан бир сафда туради, миллий озодлик ҳаракатларининг афғон халқи революцион кураши билан бирдамлигини юксак қадрлайди.

«Афғон масаласи» деб аталган масала теварагида туҳмат билан шовқин-сурон солаётган ва шу залда ўлтирган ғарбдаги буржуа оммавий ахборот органларининг вакилларига мурожаат қилиб Бабрак Кармал бундай деди: АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси иштирокида амалга оширилган империалистик фитна натижасида Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг биринчи Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг биринчи Раиси ва Бош министри Нурмуҳаммад Тараки ўлдирилган пайтда сиз жаноблар қаерда эдингиз? деб савол беришни истардим. Америка империализмининг агенти Амин афғон ишчиларини, деҳқонлари ва зиёлиларининг вакилларини ўлдирган ва турмага ташлаган пайтларда сизлар қаерда эдингиз? Нима учун сизлар мана шу мудҳиш ишларга қарши қурашда озодлик ҳаракатларини чиқармадингиз? Амин ва унинг гумаштаси тўдаси халқаро реакция ҳамда империализм билан тил бириктирганлиги шунга сабаб эмасмиди?».

ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИГА САЙЛОВНИНГ ЯКУНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 10 январь. (ТАСС). Ҳиндистонда 3 ва 6 январда 524 сайлов округида парламентнинг халқ палатасига муддатидан илгари парламент сайловига овоз бериш якунлари тўпланди.

Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий арбоби Индира Ганди бошчилигидаги Ҳиндистон миллий конгресс партияси мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органидаги 544 ўриндан 351 тасига эга бўлди. Ҳиндистон миллий конгресс партияси ўз иттифоқчилари билан бирга парламентнинг қуйи палатасида овозларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини олди. Ҳиндистон президенти Н. С. Редди эртага И. Гандига мамлакатнинг янги ҳукуматини тузишни таклиф этиши кутилмоқда.

Сайлов Ҳиндистон сайловчилари Ҳиндистоннинг барқарор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишига умидворлигини И. Ганди раҳбарлик қилаётган партияга боғлиқ деб ҳисоблаётганлигини намойиш этди.

1977 йилги парламент сайловидан кейин ҳокимиятни ўз қўлига олган Жанати Парти сайловда жиддий мағлубиятга учради. У халқ палатасининг янги составида 205 та ўринга 31 та депутатга эга бўлади. Маҳаллий матбуотнинг фикрича, бу ҳол кейинги йилларда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий проблемаларнинг бир мунча кескинлашгани сабабли кенг халқ оммаси ўртасида собиқ ҳукмрон партияга ишонч чуқур тангликка учраганлигидан далолат беради.

Бўлиб ўтган сайловда ягона фронт тузган сўл партиялар катта муваффақият қозонди. Халқ палатасида улардан 54 депутат, шу жумладан Ҳиндистон коммунистик партиясидан 11 депутат ва Ҳиндистон (марксистик) коммунистик партиясидан 35 депутат бўлади. Шу партияларнинг парламентдаги мавқеи кенгайганлиги Ҳиндистонда сўл кучларининг обрў-эътибори мустаҳкамланганлигини, сайловчилар ўртасида шуҳрати ошганлигини кўрсатади.

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 10 январь. (ТАСС). Қўшма Штатлар Эронга қарши жазо чораларини амалга оширишга тайёрланиб, ўзининг қуролли кучларини шу мамлакатга бевосита яқин жойга тўплашни давом эттирмоқда. Матбуотнинг АҚШ ҳукуматидаги олий мансабдор расмий кишиларга асосланиб хабар беришича, Пентагон ўз операциялари учун Миср ҳудудидан фойдаланмоқчи. АҚШ давлат департаменти вакилининг сўзига қараганда Исроил территориясидаги базалардан кенг фойдаланиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилмоқда.

Вашингтон шунингдек Уммон, Кения ва Сомалидаги базалардан фойдаланиб, ҳарбий операцияларни амалга ошириш ниятидадир. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича, АҚШ мудофаа министрлигининг делегацияси шу мамлакатларга инспекция мақсадида қилган сафаридан қайтиб келгандан кейин яна яқин орада ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво базаларини АҚШ кемалари ва самолётларини қабул қилишга тайёрлаш мақсадида Американинг бир группа техника экспертлари у ерга юборилади.

Вашингтон Яқин Шарқ ва Форс кўрфазидаги ҳарбий ҳаракатларга тайёрғарликни Афғонистондаги воқеалар теварагида иғвогарлик мақсадида кўтаришга шовқин-сурон билан ниқоблямоқда.

Айни вақтда Вашингтон Эронга қарши тайёрланаётган ҳарбий ҳаракатларга жалб этиш ва бу ҳаракатларга «коллектив» тус бериш мақсадида ўзининг НАТОдаги шерикларига ва бошқа «иттифоқчиларига» тазйиқни кучайтирмоқда. Чунончи Австралия Ҳинд океанидаги ҳарбий кучларини кўпайтириш ниятида эканлиги, Англия Арабистон денгизи районига ўз кемаларини юбормоқчи эканлиги тўғрисида хабарлар пайдо бўлди.

ВАШИНГТОНДА кейинги вақтларда Америка билан Эрон ўртасидаги тангликни тинч воситалар билан ҳал этишга уринишдан амалда воз кечганликларини гўё Эронда «алоқа боғлаш ёки музокаралар олиб бориш учун ягона ҳукумат йўқ» деган тамомила асоссиз даъволар билан оқламоқдалар. Жумладан президент Ж. Картер Оқ уйда АҚШ конгрессининг бир группа аъзолари билан ўтказган учрашувида шу гапларни айтди. Бундай гапларнинг юмшоқ қилиб айтганда асоссиз бўлиб, нуқул Оқ уйнинг ўз фикрини ифода этса керак. Эронда давлатни бошқараётган қонуний ҳукумат ва оятилло Хумайнни бошчилигидаги Ислом революцион кенгаши бор.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳарбий интервенцияга психологик тайёргарлик кўриш воситаларидан бири, деб таъкидлайдилар обзорчилар.

ТЕҲРОН, 10 январь. (ТАСС). Қумда, Табризда ва Эроннинг бошқа шаҳарларида оятилло Хумайнинг қўллаб-қувватлаган ҳамда Америка империализмининг ҳарбий ва иқтисодий таҳдидига қарши миллий бирликни мустаҳкамлаш зарур, деган шиорлар остида кўп миқ киши иштирокида намойишлар бўлиб ўтди. Маъмурлар намойиш бошланиши олдидан Марказий Разведка Бошқармасининг агентлари ва собиқ САВАК чилар турли сиёсий гуруҳларнинг тарафдорлари ўртасида тўқнашувлар уюштириш учун шу намойишлардан фойдаланиш ниятида эканликлари тўғрисида аҳолини огоҳлантирдилар. Тегишли чоралар кўрилишига қарамай, Табризда бир тўда иғвогарлар намойишнинг тинч ўтишига ҳалақит беришга муваффақ бўлдилар ва тартибсизлик келтириб чиқардилар. Тўқнашув натижасида ўн киши ўлдирилди ва юзга яқин киши ярадор қилинди.

Марказий маъмурларнинг қарорига мувофиқ Табризга армиянинг ва жандармларнинг қўшимча бўлинмалари ва «Ислом революцияси қўриқчилари» отрядлари келтирилди. Табризда шоҳга тарафдор унсурларнинг сурбетларча ҳужуригга зарба бериш мақсадида шаҳарда тартиб сақловчи бирлашган штаб тузилди.

ТЕХНИКА ҚУКЛАМГИ ЭКИШГА ШАЙ БЎЛСИН

ВАҚТ ҚУТИБ ТУРМАЙДИ

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва хулосалардан руҳланган ҳолда ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришни режаламоқдалар. Янги ҳосилга мустаҳкам замин яратилишида кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, айниқса техника воситаларини барвақт ремонт қилиб қўйиш катта аҳамиятга эгадир. Буни яхши тушунган Оққўрғон район қишлоқ меҳнаткашлари техникани ўз вақтида юксак сифатли ремонт қилиш ва дала ишларига тайёрлашни таъминлаш юзасидан диққатга сазовор ташаббусни бошладилар. Оққўрғон район партия комитетининг бу соҳада белгиланган тадбирлари область партия комитети томонидан маъқулланди.

Ташаббускорлар ваъдаларига яраша меҳнат қилаётирлар. Ҳозирги пайтда колхоз ва совхозларда тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш бўйича 50 та бригада тузилган. Техника ремонтига 400 нафардан ортиқ механизатор жалб этилган. Уларнинг унумли меҳнат қилишларига қулай шароитлар яратилганлиги туфайли ҳозирнинг ўзида 1127 тракторнинг 950 таси ремонтдан чиқарилди.

Илғор хўжаликларда эса кўкламги дала ишларида фойдаланиладиган трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонт қилиб бўлинди. Райондаги «Партия XXII съезди», Охунбобоев номли колхозларда, «Оққўрғон» совхозида чигит экиш агрегатлари ишга шай турибди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз механизаторлари ҳам ремонтга жиддий эътибор бермоқдалар. Бу ерда 20 та ҳайдов, 58 та чопиқ тракторлари, 29 та чигит сеялкаси, 64 комплект борона сифатли ремонт қилиб қўйилди. Тракторларга сеялкалар, ерга минерал ўғит ва гербицид сочувчи мосламалар ҳам ўрнатилган. Ҳозир эса пахта териш, кўсак узиш машиналари, дон комбайнлари ремонти қизитиб юборилган.

Ғалаба районидаги «Ленинград», Энгельс номли, Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Ильич номли, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозларда ҳам тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Аммо техника ремонтига ҳамма жойда ҳам шундай муносабатда бўлинаяпти, деб бўлмайди. Бу иш Пискент райони хўжаликларида жуда суст олиб борилмоқда. Колхоз ва совхозларда мавжуд тракторларнинг энди ярмига яқини ремонтдан чиқарилган. Сеялкалар, культиваторлар ремонти ҳам пайсалга солинаётир. Чунончи, мавжуд 296 та сеялкадан атиги 120 таси созланган.

Бекобод райони хўжаликларида ҳам шундай аҳволга дуч келасиз. «Ленинград» совхози дала меҳнаткашлари ўтган йили пахта етиштиришда юқори натижаларни қўлга киритдилар. Лекин бу ерда техникага муносабат кишини ранжитади. Хўжаликнинг иккинчи бўлимида шу кунгача умуман ремонтга киришилмаган. Бу ерда биронта ҳам ремонт бригадаси ташкил этилмабди. Совхозда кўпгина тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари механизаторларнинг ҳонадонларида сақланяпти. Хўжалик бош инженери К. Ибрагимовнинг берган маълумотларига қараганда бу ерда 40 та ҳайдов тракторидан 11 таси, 28 та культиватордан 14 таси, 36 та сеялкадан 16 таси, 15 та чизелдан 7 таси, 215 та боронадан 190 таси ремонт қилинган. Ремонти тугалланган, деб ҳисобланган техника воситаларида ҳам жиддий нуқсонларга дуч келдик.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕЙДИ

Бўка районидаги Ҳамза номли колхозда баҳорги дала ишларига 40 та ҳайдов трактори тахт қилиниши зарур. Хўжалик ремонт устахонасида эса энди 9 та трактор созлана бошланибди. Уларнинг бирортаси ҳали ишга шай эмас. Бу ерда 23 та сеялка ҳам созланиши керак. Колхозда бу техника воситаларини ремонт қилиш учун эҳтиёт қисмлар етарлича бор. Аммо, техника ремонтига белгиланган миқдорда слесарь ва механизаторлар жалб этилмаган. Колхозда ишлаб чиқилган тадбирларга биноан техника ремонтига 40 киши сафарбар этилиши керак эди. Ҳозир эса ремонт устахонасида 11 та механизатор ишлаяпти, холос.

Райондаги Жамбул номли колхозда ҳам ремонт ғоят сусткашлик билан олиб борилмоқда. Хўжалик раҳбарлари 14 та чигит экиш агрегатидан 11 таси ишга шай, деб маълумот берганлар. Текширишда эса бу экиш агрегатларидаги сеялкалар ремонт қилинмай тракторга осилганлиги маълум бўлди. Шунисн янада ачинарлики, колхозда тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари аввалдан сақланмайди.

Чиноз районидаги К. Маркс номли колхозда графикдаги 35 киши ўрнига 13 киши ишламоқда. Оқибатда 27 трактордан 14 таси ремонт қилингани мавжуд. Ҳатто чигит экиш агрегатларида баъзи деталлар етишмайди. Умуман ҳозиргача бирорта сеялка тракторларга осилгани йўқ. Хўжалик трактор паркида техника воситаларини сақлаш ҳам ёмон аҳволда. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари лойдан тозаланмаганлиги, мойлаб қўйилмаганлиги сабабли занглай бошлаган.

Райондаги Киров номли, «Москва», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида, «Янгиобод» совхозида ҳам ана шундай камчиликларга дуч келдик.

Капитал ремонт қилиниши керак бўлган техника воситалари «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаларида созланяпти. «Госкомсельхозтехника»нинг Коммунистик, Ўрта Чирчиқ, Чиноз районлари бирлашмаларида ремонт устахоналарига келтирилган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида созлаб қўйиш учун зарур чоралар кўрилаётир. Лекин Бекобод район бирлашмасида бу соҳада сусткашликка йўл қўйилаётир. Бу ерда 108 та чопиқ трактори капитал ремонт қилинниш планлаштирилган. Ҳозиргача эса улардан 56 таси ишга тахт қилинди. «Госкомсельхозтехника»нинг Янгийўл район бирлашмасида эса 8 та дон комбайн ўтган йилнинг тўртинчи кварталидаёқ ремонтдан чиқарилиши зарур эди. Бу ерда эса атиги 2 та комбайн ремонт қилинди.

Текшириш натижасида кўпгина колхоз ва совхозларда чопиқ тракторлари ремонти, айниқса, кечикиб кетаётганлиги маълум бўлди. Маълумотларга қараганда ,область хўжаликларида ҳозирги пайтда 800 га яқин чопиқ тракторлари ремонтига киришилмаган. Чунки бу тракторлар учун кўпгина эҳтиёт қисмлар етишмайди. Шунингдек, хўжаликларда Т-4А ҳайдов тракторлари, культиваторлар учун ҳам турли эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли уларни ремонт қилиш чўзилиб кетяпти.

Вақт эса кутиб турмайди. Кўп ўтмай баҳорги дала ишлари бошланиб кетади. Экиш кампаниясини қулай агротехника муддатларида уюшқоқлик билан ўтказиш техника воситаларини ишга беками-кўст шай қилиб қўйишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шундай экан, барча хўжаликларда, «Госкомсельхозтехника» бирлашмаларининг ремонт устахоналарида техника ремонти бутун чоралар билан кучайтирилиши зарур.

И. ҚИЕМОВ,
область қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғининг механизация бўйича ўринбосари.

Б. НОСИРОВ,
«Госкомсельхозтехника» область бирлашмасининг техника хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХАЛОС
ҲИКОЯ

«Исимадим оловингга,
иккала кўзим кўр бўлди тутунингга»

(халқ мақоли)

Совчилар кетишди. Фароғат опа ҳар сафаргидай ўзини ҳорғин ҳис этди. Меҳмонларга ёзган дастурхонни йиғиштириб олиш ҳам кўнглига сиғмай, қат-қат солинган кўрпачага чиқиб ёнбошлади. Ҳозиргина дамлаб келинган чойдан пиёлага қуйиб ичди. «Меҳмонлар дастурхонга қўл уришмади», ўйларди у. «Суриштиринг маҳалладан, ўғлимнинг ишхонасидан сўранг» эмиш... Совчиларнинг бу гапига истеҳзоли кулиб қўйди. «Кошки энди одамнинг ичидагисини билиб бўлса» дилидан ўтказди у.

Бу нечанчи бор ҳонадонга келган совчиларни шу хилда кузатиб қўйди Фароғат опа. «Синамаган отнинг сиртидан ўтма деганларидай якка-ю ягона қизимни сўрамай-нетмай бериб юборавераманми» ўйларди у. Кўз ўнгида тўй, қизига тайёрлаб қўйган сеплар, келинлик либосини кийган Кумри намоён бўларди-ю аммо, бўлажак куёв болани тасаввур қилганда нечундир мўчиб кетарди. Қизининг умр йўлдоши меҳрибон бўлишини орзу қиларди, майли кўсни хатто кўримсизгина бўлса ҳам рози. Фақат қизининг қадрига етсин. Мурғак дилига шикаст етказмасин. Онанинг эзгу нияти шу. Шу важдан ўғли Ғуломжон билан ҳам гез-тез гап талашиб қоларди. «Ҳадеб ганлайверасизми» дерди ўғли, она бўлса «бу умр савдоси, болам, шошилма», дерди чучук хўрсиниб.

Ҳозир ҳам Фароғат опани шу мулоҳаза тўлғонтириб юборди. Ҳар галгидай бу сафар ҳам ўзининг ҳаёти, уни эсло тарк этмайдиган ўтмиш хотиралари ўз оғушига олиб кочди. Оғир қисмати, ғазабли кўзларини тикиб турган Абдумутал ғавдаланди кўз ўнгида. «Эр оти шундай бўлса, қизгинам эрсиз ўтсин-ей» деб юборди беихтиёр. Бешафкат кўзларини эслаганда доим ўзини ёмон ҳис қилади. Юрагига худди пичоқ санчигандай эски жарохатлар янги бўлади.

Жарохатлар! Аёл болишга сингиброк ҳаёлга чўмди. Ўшанда эрининг берган қатиқ азобидан шифохонага тушиб қолгани кўз ўнгидан кино лентасидай ўтаверди.

Куни бўйи эри Абдумуталнинг меҳмонларини кутди, у ҳар сафар янги ишга ўтганда хўжайинларини «ҳуюк зиёфат» билан сийлайдиган одати бор (бу сафар у РАЙОНОГА инспектор бўлиб ўтганди). Дастурхон ноз-неъматларга тўла бўлишига қарамай, юмуши оғир таомлар — норин, хасип, манти ва яна алланималар буюрерди. Юраги тинмай санчиб турган Фароғатнинг тинка-мадори қуриб кетди. Унинг устига эрининг ўшкириши, аёб қўйгудек ўқрайишлари-чи?..

Кечга томон бутунлай ҳолдан кетди. Кўллари қалтираб мантини аранг қасқонга теларди. Чап кўлтиғи тагида худди пичоқ урилгандек қаттиқ оғриқ сезди. Жон ҳолатда ётишга жой излаб алангледи. Кўзи тиниб қоронғиланиб борарди. Шу пайт ё бошини уриб олди, ёки қаттиқ бир нарса келиб тегди. У йиқилди. Кейин нима бўлганини билмайди... Фақат касалхонада ҳушига келди. Кейин анча тузалгач ўтган воқеаларни

(Давоми 4-бетда).

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДА

БРИГАДА ПУДРАТИ АСОСИДА

11-автобазада бригада пудрати илғор иш усулида меҳнат қилаётганлар сони кўпайиб боряпти. Ҳозир автокорхонадаги 4 та ҳайдовчилар бригадаси шу усулда ишламоқда. Айниқса, Г. Цой бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи юқори кўрсаткичга эришяпти. Бу бригада ҳайдовчилари 2-темирбетон заводи билан тузилган шартнома асосида юкларни манзилга графикка аниқ риоя қилган ҳолда етказиб бермоқда. Улар илғор иш усулини қўллаётганлари натижасида кунлик топшириқларни 120—125 процент бажараётирлар.

Бригада пудрати асосида иш олиб бораётган бошқа коллективларда ҳам меҳнат унумдорлиги юқори бўляпти. Базанинг пешқадам ҳайдовчилари ҳозир доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача шаҳсий беш йиллик планларини бажариш учун ўзаро социалистик мусобақанинг кенг кулоч ёйдирганлар.

УСТАХОНАДА ИШ ҚИЗҒИН

«Северний маяк» колхози механизаторлари 15 февралгача кўкламги дала ишларида фойдаланиладиган тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик машиналарини ишга тахт қилиб қўйиш учун қурашмоқдалар. Хўжаликда техника ремонти иккита махсус слесарлар ва механизаторлар бригадаси томонидан амалга ошириляпти.

Ремонтчилар қисқа вақт ичида 70 дан ортиқ ҳайдов, 40 та чопиқ ва транспорт тракторлари, 30 та пахта теришмашинасининг 15 тасини созлаб бўлдилар.

Шунингдек, чизель ва бороналар, сеялкалар, ерга гербицид солувчи мосламалар ремонти ҳам ниҳоясига етмоқда.

КАДРЛАРНИНГ ҚИШКИ ЎҚУВИ

Районда кадрларнинг қишки ўқуви давом этяпти. Колхоз ва совхозлар мутахассислари, бригада бошлиқлари, механизаторлар ва бошқа касб эгалари машғулотларда фан ютуқлари ва илғорлар иш тажрибаси билан танишяптилар.

Қишки ўқувнинг дастлабки машғулотида район қишлоқ хўжалиги ходимларининг КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979) йил, Пленуми қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида гап борди. Тингловчилар навбатдаги машғулотларда олимлар ва район етакчи мутахассисларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш, ихтисослаштириш, химиялаштириш, экономика асослари ва бошқа мавзулардаги лекцияларини ҳам эшитадилар. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва ўрта бўғин кадрлари илғор хўжаликларда бўладилар, ўзаро тажриба алмашадилар.

БОЙ ТААССУРОТ БИЛАН

Қишки каникул кунларида кўплаб мактаб ўқувчилари Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ким Пен Хва номли колхоз музейини келиб кўришди. Музей экспонатлари кўп миллатли халқларнинг ягона интернационал оилада аҳил-иноқ яшаётганлари, ана шу тотувлик туфайли қўлга киритилаётган улкан меҳнат муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Бу ердаги алоҳида стенд колхоз қурилишининг ветерани, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хвага бағишланган. У 30 йилдан ошиқ давр мобайнида хўжаликка раҳбарлик қилди. Кўплаб ажойиб шогирдлар тайёрлади. Ленинча кооператив планнинг гантанасига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Колхоз музейи залларидан пионер ва ўқувчилар бой таассурот билан қайтишди.

Э. МАДИЕРОВ.

Пазандалар беллашди

[Бошы 3-бетда]

ЦАЛОВ, димлама, пиёз дўлма, қайнатма шўрва, қийма шўрва, аччиқ-чучук... Ўзбекистон туризм ва экскурсиялар Совети ҳамда республика маданият ходимлари касаба союзлари Совети томонидан уюштирилган «Ўз касбининг устаси» деб номланган пазандалар кўрик конкурсида тайёрланган таомлар рўйхати бу. Пойтахтдаги «Саёҳат» ресторанида ўтказилган ўзига хос мусобақада Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро ва Хива шаҳарларидан келган энг яхши пазандалар иштирок этишди.

Ошпазлар мусобақаси икки босқичда ўтди. Тўрт хил таомдан ташкил топган тушлик овқатларни тайёрлашдан иборат биринчи босқич голиблари қуюқ таомлар пиширишда ўзаро куч синашишди. «Саёҳат» ресторанининг ошпази Таня Козаченко тайёрлаган киевча котлетлар энг мазали деб топилди. Иккинчи ўрин «Олимпия» ресторанининг ошпази А. Азимовга берилди. Учинчи ўринга эса қиймали товуқ таоми тайёрлаган андижонлик ошпаз И. Исоқов кўтарилди.

Қандолатчилар мусобақаси ҳам қизғин ўтди. Торт ясаш таклиф этилганида жюри аъзолари муайян вақт белгиладилар. Тайёрланган таомнинг оғирлиги 1 килограммдан ошмаслиги ҳамда у кесилганда гул ва суратларига путур етмаслигини қатъий шарт қилиб белгилашди.

Бу мусобақада Фарғонадаги «Дўстлик» ресторанининг қандолатчиси Л. Котлова маҳорат кўрсатди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллигини акс эттирган маҳсулоти биринчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг иккинчи босқичида ҳам фарғоналик қандолатчи ўзини кўрсатди. У миллий ширинликлар тайёрлашда ҳам биринчи бўлди.

Туристик базаларнинг бош ошпазлари ўртасида тушлик таомлари тайёрлаш бўйича ўтказилган мусобақада «Чимган» оромгоҳининг бош ошпази М. Тўлаганов ғолиб бўлди.

Бўлиб ўтган кўрик конкурс голиблари Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказиладиган XXII Олимпиада ўйинлари меҳмонларига таомлар тайёрлаш учун номзод бўлишди. Улар мусобақаларнинг навбатдаги босқичида иштирок этишади.

П. КЕНЖАЕВ.

ХАЛОС

бир-бир эслади... Ушанда у бошини уриб олмаган экан, зарб билан ўқлов теккан эди... Кўз ўнгида ўқловни баланд кўтарган эрининг важоҳати муҳрланиб қолган эди. Мана шунча йил ўтдики, бу манзарани эслаганда жароҳати янгиланади. Ҳозир ҳам бир нуқтага тикилиб ғазабланди... Лаблари ўз-ўзидан пичирлади. «Вахший! қилмишингга яраша жазо тортяпсан-ку» дерди у. Чунки шифохонадан чиқиб у уйига бормаганди. Абдумуталнинг яна бир неча бор уйланиб, хотинга елчимай ахири ёлғиз ўзи қолганини эшитганди. «Баттаҳ бўл» деб қўйди. Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам «пуфлаб ичади деганларидек Фароғат қуёвларнинг ҳаммаси шунақа деб ўйларди.

Узини эрга беришаётганда ёнида меҳрибон онагинаси йўқ эди-да. Ўгай она. Мўмингина қари ота. Фароғат таълим олаётган билим юртида «адабиёт ўқитувчиси Абдумуталнинг рафиқаси касалманд бўлгани учун ажралишганмиш» деган гап тарқалди. Шундан бироз вақт ўтгач Фароғатнинг уйига адабиёт ўқитувчисиникидан устма-уст нафосат, шеъридан ёниб сўзлайдиган Абдумуталнинг кўнгироқ сочлари доим сувми, мой биланми таралиб жилваланарди. Кийим-бош, пойафзалларида гард кўрмайсиз. Кулганда олдидаги тўртта тилла тиши ҳам ялтираб турарди. Бежо кўзларидан дилидаги фикрини илғаб олиш қийин эди. Ун саккиз ёшли содда бу ўйноқи кўзларнинг жозибаси била қолсин. Тўй жуда тезлашиб кетди. Қизнинг шошадек тиниқ орзулари бир олам эди. Қалбида лиммо-лим меҳр бўлажак умр йўлдошига асралган эди. Аммо орзу бўлак, ҳаёт бошқа экан. Қизнинг ўйлагаларидек бўлиб чиқмади. Тўй ўтди. Бирок Фароғат кутган ширин кунлар қаёқда Бирор ҳафта келдикетди кутилди. Ундан кейинги

уч ой, катта ҳовли, иш ҳазилакамми? Майли, меҳнатдан чарчармидим. Фақат ишдан қайтгач, «зерикмадингми, нималар қилдинг, нималар ҳақида ўйладинг, ўқишдан қолганингга ҳафа эмасмисан, қўй, қайғурма, сиртдан бўлса ҳам ўқийсан деб қўйсалар бўлгани».

Фароғат ана шуларни орзу қиларди. Оқ кўнгил келин ҳатто эрининг «ойим қиз» шимларнинг рахи текис чиқсин-а, хонани супурганда чангги кўтарилмасин», деган сўзларини ҳам эркалаяпти, деб тушунганди. Аммо бора-бора бу гаплар кесатиқ кейинча, бутунлай дағал оҳангда айтиладиган бўлди. Энди аёл ширин сўзни кутиш у ёқда турсин, қўполлик қилмаса бас деб безиллаб қолди. Нима қилсин, шўрлик барига чидади. Бўёғи яқинда она бўлади. Абдумутал янги «ҳунар» чиқарди. Уйга ширакайф, кеч қайтар, гоҳ келмай ҳам қўярди. Фароғат ўйлаб ўйига етолмасди. Унинг учун бу қалб ҳамиша қулфлоғлиқ. Бир

берқитилгану қулф очиб бўлмайдиган даражада бузилган. Фароғат неча бор калит солиб кўрди. Калитни бурайди-ю, у айланиб кетаверади, шилқ этиб айланиб кетаверади, лекин очилмайди. Эр-хотин бир хонадонда яшаса ҳам, бир-биридан узоқ бегоналардек бўлиб қолишди.

Бир куни дадасини жудажуда соғинганидан:

— Уйга бориб келсам, деди Фароғат.

— Уйингда кимнинг кўзи учиб турибди сенга, ўгай онангнимми?— дея ўшқириб берди.

Отаси оғир ётганини ҳам эри ундан яширганди. Олам-

дан ўтгачгина эшитди. Додфарёд солиб борганида отасининг жасадини ювиб-тараб ўраб қўйишганди...

Фароғат опа бир сесканиб олди, ҳорғин кўзлари жиққа ёшга тўлди, чуқур нафас олгач, ўзини ўзи юпатишга тушди. «Қўй ўйлама, ўтганни эслама, ахир сенга ҳафачилик, ҳаяжонланиш мутлақо мумкин эмас-ку» дея амр қиларди қалбига. Ўшанда яхши ҳам ўғли Ғуломжон ижарага уй топ-иб, онаси билан синглисини кўчириб кетганди. Абдумутал ҳам шуни пойлаб турган эканми, улар кетиши билан уйланиб олганди.

Фароғат опа ҳаёл билан бўлиб қуруқ пиёлани лабига тегизди. Чой қуйди. Чой аллақачон совуб қолган эди. Шу пайт эшик очилгандек бўлди Онаси Ғуломжонни шахдам қадамидан таниди.

— Ҳа, тинчликми, тузукмисиз ойи? — У ясоғлиқ дастурхонга қараб меҳмонлар келишдими, деб сўради.

— Ҳа, яна совчилар келишди.

—Кўриб турибман, ойижон, нега энди ҳар сафар Қумрига совчи келса, хомуш тортиб қоласиз? Изтироб чекасиз. Ахир синглимнинг бўйи етиб колди.

—Тўғри айтасан болам, айни пайти. Фақат...

—Биламан. Куёв бўлмишни синаб кўриш, суриштириш керак-а. Шуни ўйларсиз. Айтингчи, бугунги келганлар бироз таъбингизга ёқиқирадимми? — онасига кулимсираб боқди ўғли.

—Нима, сен уларни танийсанми? — жонсарак кўзларини ўғлига тикди она.

—Келинг ойи, Қумри келмасдан гаплашиб олайлик. Бу совчиларнинг ўғли бизнинг ишхонадан. Узи инженер, мана бундай йигит, — Ғуломжон бош бармоғини кўрсатди.

— Вой ўлмасам, мен бўлсам уларга тузуккина рўйхуш бермадим.

— Ҳечқиси йўқ, яна келишади.

— Синглинг-чи, у ҳам биладию мендан яшириб юрибдими, шошмай тур сенларни...

Ғуломжон онасининг елкасидан қучди,

— Ойи, сира ташвиш тортманг, Қумрингиз бахтли бўлади.

— Илойим айтганинг келсин. Менга ўхшаб... — Ҳозиргина жилмайиб турган онанинг чеҳрасини яна маъюслик эгаллади. Ўғли онасига ачиниб боқди.

— Ойижон, унутинг ўша кунларни.

— Биласанми, ўғлим, бир нақл бор, «Исимадим оловингга, иккала кўзим кўз эшитмагансан-а? Ҳар сафар ўтган кунларимни эсласам, бу нақлни мендай куйган айтганку, дейман.

— Сиз бутўнлай ҳалос бўлгансиз, ойи, ўтганни хотирлашнинг ҳожати йўқ.

— Халоскорим, болажонним, — онанинг чеҳраси ёришиб кетди.

Ф. УСМОНОВА.

Курск шаҳри яқинидаги Сейм дарёси кўпригида автомобиллар ҳаракати тўхтатиб қўйилди. Бунинг сабаби кўприкни реконструкция қилиш пайтида портловчи моддалар топилди. Гитлерчилар чекинатуриб дарё устидаги кўприкни қўпориш мақсадида бу ерни миналаштирганлар. Совет қўшинларининг шиддатли ҳужумлари натижасида улар шу ниятларини амалга ошира олмадилар.

...Тажрибали сапёрлар хотиржам иш олиб боришди. 1,5 соат вақт ўтар-ўтмас портловчи моддалар йўқ қилиниб, кўприкда автомашиналарнинг ҳаракати давом эттирилди. Суратда: хавф-хатар олди олинди. Портловчи модда жойлаштирилган яшиклар.

О. Сизов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ИККИ ХИЛ ДУНЁ — ИККИ ХИЛ ТАҚДИР

ДУНЕДА ҳар йили 80 миллион бола туғилади...

Социалистик бўлмаган мамлакатларда 52 миллион балоғатга етмаган бола қорнини тўйғазиш учун жисмоний меҳнат қилишга мажбур бўлмоқда...

Плянетамизда 500 миллион киши оч. Шундан ярми — болалар...

Капитализм дунёсида беш ёшгача бўлган 15 миллион бола медицина ёрдами кўрсатилмаганидан нобуд бўлмоқда.

Мисрда расмий равишда рўйхатга олинган: барча нобуд бўлган болаларнинг ярмидан кўпи 5 ёшга ҳам тўлмаган. Уларнинг кўпчилиги тўйиб овқат емаслигидан нобуд бўлмоқда.

Капиталистик мамлакатларда мактаб ёшида бўлган 300 миллионга яқин бола ўқиш имкониятига эга эмас.

Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Болажон халқ сифатида донғи кетган бизнинг мамлакатимизда эса бунинг бутунлай аксини кўрамиз.

Мамлакатимизда келажак авлодга ғамхўрлик қилиш муҳим давлат аҳамиятига молик социал вазифадир. Мактабгача ёшдаги болаларга эса алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Давлатимиз болалар тарбияси билан боғлиқ ҳаражатларнинг ёшдан тўрт қисмини ўз зиммасига олган. Улар учун минг-минглаб ёруғ, қулай ясли ва боғчалар барпо этилди ва қурилмоқда. Жумладан, республикамизда ҳозир 650 минг ўринли 6 мингдан зиёд мактабгача тарбия муассасаси бўлиб, уларда 60 мингдан ортиқ ходим болалар тарбияси билан машғул.

Шундай болалар муассасаларидан бири Тошкентдаги 2-болалар уйидир. Ҳозирги кунда бу ерда 90 га яқин 3 ёшгача бўлган кичкинтой тарбияланмоқда. Уларнинг беташвиш, соғлом ва қувнаб ўсишлари учун катта ғамхўрлик қилинмоқда.

Икки қаватли бинога жойлашган бу бинода тарбиянинг барча муҳим талабларига жавоб берадиган қулайликлар мавжудлигини кўрдик. Хоналар иссиқ ва совуқ сувлар билан таъминланган. Болалар ёшига қараб турли группалар учун ажратилган хоналарда жойлашган.

— Биз болаларнинг яшаш шароитларини яхшилашга ва сиҳат-саломат ўсишига алоҳида эътибор билан қараяпмиз,— дейди биз билан суҳбатда бош врач, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Аҳад ака Жалилов.— Шу йилнинг ўзида биз физиотерапия хонасини ташкил этдик. У янги медицина асбоблари билан таъминланган бўлиб, болалар турли физиотерапевтик процедураларни олади. УВЧ, кварц, массаж ва даволаш бадан тарбиясидан фойдаланилади.

Болаларнинг яхши ўсиб тарбияланишлари учун тажрибали медик кадрларни ишга олдик. Медицина ходимларимиз малакасини оширишу учун пленли равишда семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Бунда бизга Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ёрдам кўрсатмоқда. Бу йил болалар уйи учун яна 141 минг сўмлик маблағ ажратилди.

Суҳбатимизга кичкинтойлар уйининг тарбиячиси Гулчеҳра Абдумавлонова ҳам қўшилди:

— Болаларни тарбиялаш — уларни яшашга ўргатиш, демакдир. Шунинг учун ҳам биз болалар тарбиясини ҳозирги вақтда энг муҳим вазифамиз деб биламиз. Педагог ва тарбиячиларимиз ҳамширалар билан биргаликда кичкинтойларни жисмоний ва маънавий соғлом ўсишларига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Барча ишларни СССР соғлиқни сақлаш министрлиги ва Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг методик кўрсатмалари асосида олиб борямиз. Бунинг учун бизда ҳамма шарт-шароит бор. Рояль, рангли телевизор, турли ўйинчоқ, расмлар, кинопроектор, аквариум бор. Телевизорда болаларга берилаётган кўрсатувларни тушунтириб борамиз. Бу имкониятлар ҳаммаси кичкинтойлар баркамол бўлиб ўсишлари учун муҳайё этилган.

Бўлар ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг болаларга бўлган доимий ғамхўрлиги дан кичик бир мисолдир, холос.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, ЎЧРАШУВЛАР

ФУТБОЛ: Олмалиқ шаҳрида мини-футбол бўйича ўтказилган турнир ниҳоясига етди. Республикамиз областларининг энг кучли коллективлари икки группага бўлинишиб ўзаро куч синашдилар. Биринчи группада Самарқанд области командаси, иккинчи группада эса пойтахт области футболчилари пешқадам бўлдилар. Кеча бу икки коллектив ўртасида финал мусобақаси бўлиб ўтди. Учрашувда 1:0 ҳисобида самарқандлик чарм тўп усталарининг қўли баланд келди.

ВОЛЕЙБОЛ: Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган энг кучли 8 команданинг финал учрашувлари Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» стадионида ўтказилмоқда. Олий лигага йўлланма олиш учун курашаётган командалар ҳар бир учрашувни юксак савияда олиб боришаяпти. Дастлабки турда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Калев» (Таллин — Одинцов шаҳри командаси—0:3; «Мотор» (Минск) — «Автомобилист» (Грозийи) — 3:1; «Динамо» (Тошкент)—«Каспий» (Шевченко)—2:3.

ХОККЕИ: Шайбали хоккей бўйича СССР чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган коллективлар қисқа танаффусдан сўнг яна майдонга тушишди. «Бинокор» Қозон шаҳрида маҳаллий Урицкий номли спорт клуби билан куч синашди. Биринчи учрашувда ҳамшаҳарларимизнинг қўллари баланд келди. Бу матчда 6:5 ҳисоби қайд қилинди. Такрорий учрашувда эса бинокорчилар 2:3 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

БОКС: Белоруссиянинг Баранович шаҳрида ўсмирлар ўртасида Бутуниттифоқ шахсий команда биринчилиги бўлиб ўтди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. Казей ҳотира соврини учун ўтказилган бу мусобақада Белоруссия, Ўзбекистон ва Арманистоннинг чарм-қўлқоп усталари рингга тушдилар.

Мусобақаларни уюшқоқлик билан ўтказган ўзбек боксчилари 13 вазн категориясининг еттитасида голиб бўлишди. Ф. Хасанбоев, Х. Нурмуҳамедов, У. Қозиев, В. Уланов, И. Ким, Р. Еқубов ва И. Белоусовлар ҳурмат шохсупасининг юқори погонасига кўтарилишди. Ф. Хасанбоев турнирнинг энг яхши боксчиси деб топилди.

Реклама ва эълонлар

Хоразм Давлат филармонияси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14, 15 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 да,
16 ЯНВАРЬ СОАТ 16.00 да

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Бобомурод ҲАМДАМОВ
Солистлар: Раъно АННАЗАРОВА, Гурсунали КЕНЖАЕВ, Зонир ҚОБИЛОВ, Маҳамаджон ҲИДИРАЛИЕВ, Султонмурод ХОЛМУРОДОВ, Клара НУРМАТОВА.
Иллюзия — Турғун МАЛИКОВ.
Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли
Касса соат 10.00 дан ишлайди.

Телевидение

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Моҳир қўллар. 10.35 — Очиқ китоб. Кўп серияли бадиий фильм. 4—5-сериялар. 12.45 — Ота-оналар. Сизлар учун. 13.15 — Спорт-лото. 13.30 — Советлар ва ҳаёт. 14.00 — Музикали абонемент. 14.45 — Сиз бунга қодирсиз. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 16.45 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 17.30 — Ҳайвонот оламида. 18.30 — Скрипка миниатюралари. 18.45 — Мультфильмлар. 19.15 — «Правда» газетасининг снёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.00 — Голубой огонёк (такрорий). 21.30 — Время. 22.05 — Голубой огонёк (давоми).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.50 — Ўзбекистон спорти. 11.20 — Ота-оналар университети. 11.50 — Сурхондарё театри ёш солистларининг концерти. 12.30 — Инсон ва қонун. 13.00 — Замандас. 13.50 — Сайловдан-сайловгача. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Санъат гунчалари. 19.00 — XVIII—XIX асрлар рус ва Ғарбий Европа чинниси ҳақида ҳикоя. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси солисти О. Отажонов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Қаердасан, Аҳмад? Бадиий фильм.

II

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12|I да **Концерт** (ўзбек тилида, 19.00). 13|I да **Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00). **Бир актли балетлар** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|I да **Инқилоб тонги.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/I да **Тошкентнинг нозанин маликаси.** 13|I да **Олтин камар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги йил эртак цирк томошалари** (19.00).

Тошкент область Калинин район Теплица комбинати коллективи комбинат директори С. Ю. Чўтбоевга онаси

Рихсинниса ЧЎТБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Чилонзор район ДОСААФида республикадаги энг йирик спорт техника клубларидан бири ишлайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида бу ерда 1300 нафардан зиёд курсантлар ўз маҳоратларини оширишди. Клубда аҳолининг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига ҳам катта эътибор бериляпти. Суратда: автомобиль бошқаришни ўрганиш участкасида.

А. Авазов фотоси, [ЎзТАГ].

ОЛА ҚАНОТ ҲАККАЛАР

БУ қуш ҳақида эртаклар тўқилган, у қўшиқларда мадҳ этилади. Дарвоқе, «Пахтаой» ансамблининг репертуаридан мустаҳкам ўрин олган «Ола қанот ҳаккалар» қўшиғини ким севмайди, дейсиз? Санъатга ихлосманд болалар ўз қўшиқларида хаккининг жарангли овозини, чаққон ва серҳаракатлигини, тошқирлигини мадҳ қилишади...

Хакка республикамиз шароитида жуда кўп учрайди. Уни бошқа қушлардан тезгина ажратиб олиш мумкин. Кўринишдан у қадар катта бўлмаган бу жониворнинг боши, бўйни, кўкрагининг олд қисми орқа томони ва думи қора рангда бўлиб, қанотлари ола, кўкрагининг орқа томонлари оқ рангдадир. Халқ орасида у заҳизғон деб ҳам юритилади.

Заҳизғон республикамиз шароитига бутунлай мослашиб кетган. У қишнинг қирчиллама чилла кунларида ҳам, табиат олов уфурган жазирама саратонда ҳам ўз севган масканини тарк этмайди, овозининг жарангдилиги ҳам диққатга сазовор. Халқ орасида «Заҳизғон сайраса, меҳмон келади» деган ибора бор. Хаккининг сайраши билан меҳмон келиши ўртасида мутаносиблик борми-йўқми, бу қоронғу, аммо унинг сайраши ҳосиятли эканлигини тан олиш керак.

Хаккалар бошқа қушлардан жасурлиги билан ҳам ажралиб туради.

...Кунларнинг бирида эски девор ортидан заҳизғонинг устма-уст безовталаниб сайраганини эшитиб қолдик. Унинг жонсарак овози ҳали-вери тугайвермасди. Девор оша мўраладик. Воқеа аён бўлди-қўйди.

Катта бир мушук эндигина учишни машқ қилаётган хакка болаларига ёвуз ниятда яқинлашган. Она хакка буни пайқаб мушук билан «жанг» бошлаган. У бу пайт ўз ҳаётини хавф остида қолдириб маҳлуққа даф қиларди. Она хакка қанотларини бироз ёзиб, уни ерга тираб олган. Ҳамлага ташланганда янгроқ овози билан сайрар, гўё аллакимдан нажот кутаётгандек бўларди. Мушук эса жасур қушнинг авзойиданми, ёки шарақлаган овозиданми чўчиб, ҳадиксираб турарди.

Кўп ҳам ўтмай нажот кучи етиб келди. Энди бир эмас уч хакка мушукка ҳужумга ташланди. Ёвуз ўлжаҳўр ноилож чекинди.

Ҳа, хаккалар ҳам барча жониворлар каби ўз болаларига ўта жонкуяр ва ғамхўр бўлишади. Улар эрта баҳордаёқ жуфт-жуфтдан онла бўлиб ин қуришади. Май ойининг ўрталарида модаси тухум қўя бошлайди. Тухумлар сони 5—8 тага етганида, уни босади. Тез орада палапонлар тухум очиб чиқишади. Бека қуш авайлаб асраганлиги, туфайли ҳамма палапонлар озор етмай учирма бўлади.

Баъзан, заҳизғонни, «ўгри» сифатида ҳам айблашади. Дарвоқе, уларнинг қишлоқ хўжалигига жиндек зиёни бор. Хаккалар ёнғоққа жуда ўч бўлишади. Ўрик, олча, узум ва шунга ўхшаш мевалар ҳам уларнинг хуш кўрган емиши.

Лекин, хаккаларнинг зиёнидан кўра фойдаси кўпроқ. Хаккалар қишлоқ хўжалигидаги энг ҳавфли зараркунандаларнинг ашаддий душандаси. Уларнинг кунлик рационида хашаротларнинг салмоғи каттадир. Айрим манбалардан маълумки, хаккалар калтакесак ва илонларни ҳам қўймайди.

Хаккалар бошқа қушларнинг ҳаёти учун ҳам шароит яратиб беради. Жумладан, уларнинг эски кулбалари — уяларида бир қатор қушлар ошиён қуради. Унда яшаб, кўпайишади. Шунинг учун ҳам жасур, чаққон, топқир қуш — хаккаларни асраб-авайлаш, кўпайтириш керак.

Р. ШЕРОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325743; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва ҳатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 12820. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б.—1521.